



Муносабат

Мустақиллик йилларида республикамизда аввалбошдан ҳақиқий иқтисодий вазият, маъжуд имкониятлар ҳисобга олинган аҳолининг ижтимоий ҳимоя қилишнинг моҳиятини янги тизими яратилди. Барча ислохотлар инсон учун — бу чуқур маъноли сўзлар давлатимизнинг асосий шioriга айланган.

Шу боисдан ҳам биринчи навбатда кўп болали ва кам таъминланган оилаларни, ногиронлар, нафақахўрлар ва ўқувчи ёшларни ижтимоий ҳимоялаш ва қўллаб-қувватлаш чоралари қўрилди. Аслини олганда, Ўзбекистон амалга ошираётган сиёсатнинг бозор муносабатларига ўтаётган бошқа МДХ давлатлари сиёсатидан энг муҳим афзалликларидан бири ҳам шунда.

Бугунга келиб республикамизда 2,8 миллион нафар киши пенсия ва нафақалар билан таъминланган. Уларга ҳар ойда тўланадиган маблағ қарийб 5,1 миллиард сўмини ташкил этмоқда. Мамлакат миқёсида кекса авлод вакилларига илҳам қўлувчи кўрсатилмоқдаки, бу Ўзбекистонда бошқа бирон бир давлатникига ўхшамаган ўз ижтимоий ҳимоя тизими ва ўз қонунлари юзга келганлиги билан аҳамиятлидир.

Мисол учун, «Фуқароларнинг давлат пенсия тизимини тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни асосан пенсиялар миқдори фуқаролар меҳнат фаолиятининг давомийлигига ва тўланган бадалларга боғлиқ ҳолда кучайтирилди. Бу билан пенсия қонунчилиги дунёдаги ривожланган мамлакатлар андозаларига ҳамоҳанг ҳолга келтириляпти.

Оила жамиятнинг негизи эканлигини ҳисобга олган ҳолда республикамизда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, оилаларни ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга алоҳида аҳамият берилмоқда. Дунёнинг ҳеч бир мамлакатда учрамайдиган «Соғлом авлод учун» халқаро жамғармаси тузилгани ва шу номдаги орден таъсис этилиши ҳам аниқ шу эътибордан далолат.

Маълумки, 1994 йилдан бошлаб республикамизда кам таъминланган ва кўп болали оилаларга ёрдам кўрсатиш тизимини тубдан ислоҳ қилишга киришилди. Бунда, аниқсиз, Вазирлар Маҳкамасининг «Болали оилаларга давлат ижтимоий ёрдами тизимини такомиллаштириш чоралари тўғрисида»ги қарори муҳим

аҳамиятга эга бўлди. Ҳақиқатан ҳам 1 октябрдан бошлаб кам таъминланган оилаларга нафақа тўлашнинг ягона тизими жорий этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоялаш чоралари тўғрисида»ги Фармонида кўра эса нафақаларни тайинлаш ва тўлаш ишлари тўғрисидаги қарорларда маҳалла кўмиталари ихтиёрига берилди.

ИНСОН МАНФААТЛАРИ ВА ОИЛА ФАРОВОНЛИГИ

кучли ижтимоий сиёсат бугунги ислохотларнинг муҳим йўналишидир

Юртбошимизнинг ушбу Фармони нафақаларнинг аниқ манзилли бўлишини таъминлашга оид маъмуриятнинг ошириш ҳам илҳомий таъсир кўрсатмоқда.

Бозор муносабатлари ривожланган ва аҳоли бир қатор табакалари турмуш шароити яхшилانган сари амалга ошириляётган ижтимоий сиёсатнинг асосий йўналишларига тузатишлар киритилиб, бунда эътибор ҳақиқатан ҳам муҳтож оилаларга ёрдам беришга қаратилди. Бинобарин, барча нафақалар ва моддий ёрдам фақат оила орқали кўрсатиладиган бўлди.

1997 йил арафасида эса мамлакатимиз Президентини «Болали оилаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашга алоҳида кучайтириш тўғрисида» Фармон қабул қилди. Мазкур Фармон Инсон манфаатлари йили ҳисобланган 1997 йилда оилалар ижтимоий томондан муҳофаза этиш ва юртимиз келажаги бўлиши фарзандларимизга гамаҳурликнинг ёрдам намунаси бўлди, деб ишонч билан айтиш мумкин.

Фармоннинг моҳияти шундан иборатки, у, биринчидан, болали оилаларга ёрдамни янада аниқлаштирган бўлса, иккинчидан, ёрдам миқдорини ошириш имконини берди, учинчидан эса ижтимоий ҳимоя би-

лан боғлиқ барча ишлар ўзини-ўзи бошқариш органлари зиммасига юклатилди. Шунга асосан 1997 йилнинг 1 январидан бошлаб 16 ёшгача болалари бўлган оилаларга нафақалар маҳалла кўмиталари орқали тайинланиб, тўланмоқда. Кам даромадли оилаларга ижтимоий кўмаклашувнинг бугунги кунда ҳаётнинг ўзи тасдиқлаб турибди.

Нима учун бизда давлат миқёсида оилага бунчалик катта эътибор берилмоқда? Чунки айнан оила инсон ҳаётида муҳим ўрин тутиб, янги демократик, эркин ва адолатли, фаровон жамият барпо этилишига асос бўлади. Юртбошимиз таъкидла-

ди миллион 200 минг фуқаро фойдаланиб келмоқда. Бу, Ўзбекистоннинг ижтимоий соҳага, энг аввало аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадларига давлат миқёсида илҳам қўлувчи таъсир бериб келинаётганидан далолатдир.

Маълумки, Ўзбекистон ислохотларни амалга оширишнинг аввалбошдан оқибат йўлбошимиз томонидан белгилаб берилган беш тамойилга асосланиб, ўзига хос ва мос янгиликни йўлдан борди. Гап ижтимоий-иқтисодий ислохотлар ҳақида борар экан, шу ўринда биздаги аҳвол билан МДХнинг айрим давлатларидаги вазиятни қиёслаш ўринлидир.

Мисол учун, Россия Фе-

дерациясини оладиган бўлсак, «Известия» газетасининг 18 декабрь сонида эътиборига, бу ердаги ижтимоий соҳалар аҳвол кўрсатиши эмас. Шу йилга тегишли бюджетнинг «Ижтимоий сиёсат» бандида 18 триллион рубль белгилангани билан ҳукуматнинг фақат «Фарийлар тўғрисида»ги федерал қонунда кўзда тутилган харажатлар учун йил давомида 29 триллион рубль ҳажмида маблағ сарфлаши талаб этилади. Бу соҳаларга тўлаб улгурилган қарзларнинг ўзи эса 1995 йилдан ҳисобланганда 14 триллион рублни ташкил этмоқда.

Очиги, бугунги Россия ҳаётига эътибор берсангиз, меҳнаткаш аҳоли — ўқитувчилар, тиббиёт ходимлари, шахтёрлар ва бошқа ўнлаб касб эгаларининг бир неча ойлаб маошсиз қолаётганлиги, пенсионерлар ва ногиронларнинг ўзларига тегишли нафақа пулларини вақтида ололмаётганлиги кўзга ташланади. Турри, Россияда ҳам пенсионерлар ва фарийлар, кам таъминланган оилалар учун турли-туман имтиёзлар мавжуд. Бироқ федерал ва маҳаллий бюджетнинг камқувватлиги туфайли амалда бу тадбирларнинг биронтасини тўлиқ рўйга чиқариш имкони бўлмапти. Дарвоқе, Россияда ҳукумат раҳбарлари ҳам, оммавий ахборот воситалари ҳам «ислохот инсон учун эканлиги», «қонун устувор бўлиши», «кучли ижтимоий

сиёсат зарурияти» ҳақида фақат эндигина сўз юрмоқдалар. Бу нимадан далолат беради? Бу шундан далолат берадики, МДХдаги кўпгина давлатлар Ўзбекистон босқичма-босқич босиб ўтган ва унинг тўричилигини ҳаётнинг ўзи тасдиқлаган эволюцион, тадрижий йўлдан бошини маъқул кўрмоқдалар. Аслида реал воқелик ҳам шуни талаб қилмоқда. Утган давр кўп мамлакатларнинг тажрибаси бозор муносабатларига ўтиш силлиқ, ижтимоий қийинчиликларсиз, осон кечмаслигини кўрсатди. Бу даврда аҳолининг ижтимоий ҳимоя қилиш ва қўллаб-қувватлаш чораларига эътибор бермаслик эса бир қисм одамларнинг қашшоқлашуви, охири-оқибат, айрим давлатларда ижтимоий беқарорликнинг вужудга келишига олиб келди.

Шундай бир шароитда, баъзи МДХ давлатларидан фарқи улроқ, Ўзбекистонда ижтимоий соҳага ўзига хос ёндашув туфайли ислохотлар жараёнида ижтимоий ларзаларни четлаб ўтишга муваффақ бўлинди. Чунки биз юқорида таъкидлаган, олинган кўрилган ижтимоий чора-тадбирлар ижтимоий-сиёсий барқарорлик ва оқилолликни таъминлаш имконини берди, аҳоли ўртасида амалга ошириляётган ислохотлар йўлига ишонччи янада мустаҳкамлади.

Республикадаги ҳозирги ижтимоий аҳволни ана шу нуқтаи назардан баҳолаб далил айтишимиз мумкинки, халқимизнинг чекига тушган ва ўтиш даврида муқаррар бўлган энг қийин синовлар орда қолди. Бугунги кунда аҳолининг моддий фаровонлигига салбий таъсир кўрсатган оладиган омиллар деярли йўқ. Билмак, барқарорлаштирувчи, ватандошларимизнинг турмуш даражаси ўсиши учун шарт-шароит ва ишончли кафолатлар яратиб берувчи омиллар тобора кўпайиб бормоқда.

Шундай экан, ишончимиз комилки, Оила йили деб эълон қилинган янги йилда ҳам Ўзбекистон ўз янгилигини ва тараққиёт йўналишига асос қилиб олган етакчи тамойиллардан бири — кучли ижтимоий сиёсатни янги поғонага кўтарди.

Аслиддин БОЛИЕВ, Азимжон ЖУРАЕВ.

ДУНЁ ДАРАЖАДА

МУЛОҚОТЛАР ДАВОМ ЭТМОҚДА

АЛ-ҚУВАЙТ. Ироқ ва Иордания ўртасидаги ўзаро муносабатларда маълум вақт давомида сақланиб турган ишқорчи ҳолат бартафат этилди, деб баёнот берди Иордания Ҳошимийлар Подшоҳлиги ташқи ишлар вазири Фаёз ат-Тарауна Саудия Арабистонига таширфи чоғида.

Маълумки, бундай ҳолат Ироқдаги қамқоқчилик маҳбуси бўлган турт нафар иорданиялик Бағдодда қатл этилганидан сўнг юзга келган эди.

Шунингдек, Фаёз ат-Тарауна Уммон ҳамда Бағдод расмий вакиллари айни пайтда Ироқ қамқоқчиларида сақланаётган иорданиялик маҳбусларнинг тақдирини юзасидан ўзаро мулоқот олиб бораётганини маълум қилди.

МОЛИЯВИЙ ИНҚИРОЗ БЎЛМАЙДИ

ПЕКИН. Осиедаги кўпгина мамлакатларда юз берган молиявий инқироз Хитойда кузатилиши эҳтимолдан йироқдир, дейилади Хитой халқ банки (мамлакатнинг марказий банки) бошқарувчиси Дай Сянунинг халқ вакиллари умумхитой кенгашига тақдим этган ҳисоботида.

Ҳисоботда эътиборига, Хитойда молиявий тармоқ барқарор ривожланиб бормоқда. Ҳукумат мамлакатда молиявий назоратни кучайтириш, қонунчиликни мустаҳкамлаш ва молия-валюта тизимидagi турли таваккалчиликларга йўл қўймайлиқ каби масалаларга алоҳида эътибор қаратаётди. Шунингдек, Дай Сянунинг тасдиқлашча, йил якунида мамлакатнинг умумий валюта захираси миқдори кўрсаткичи 140 миллиард АҚШ долларидан зиёроқни ташкил этади.

ҚЎШАЛОҚ БАЙРАМ

НЬ-Ю-Й ОРК. 31 декабрь куни Нью-Йоркдаги нафақат янги йили, баки ўз она шахарларининг 100 йиллигини ҳам байрам қилади.

Маълумки, бундай роппа-роса юз йил муқаддам, яъни 1897 йил 31 декабрь куни бешта ийрик тумани ўз ичига олави Нью-Йоркка шахар мақоми берилган эди.

ДУНЁ ДАРАЖАДА

ДАНГАРАНИНГ ЯНГИ БОЗОРИ

Янги йил байрами арафасида Данғара тумани меҳнаткашлари ажойиб совға соҳиб бўлди. Туманининг Қўқон шаҳри билан туташ ҳудудда янги бозор иш бошлади. Қўқондаги «Мастона» ҳиссадорлик жамияти сармояси ҳисобига қад ростилаган бу иншоотда сотувчи ва харидорлар учун барча шарт-шароит яратилган. Айниқса, бозор Тошкент-Андижон автомобиль йўли ёқасида жойлашганлиги йўловчилар учун ҳам қўлайлиқ яратмоқда.

Янги бозорнинг очилиш маросимида Фарғона вилояти ҳокими Н. Муминов иштирок этди.

(ЎзА)



МАМЛАКАТНИНГ БОШ МЕТЕОСТАНЦИЯСИ

«Тошкент-обсерватория» метеорология станциясига асос солинган кунга 130 йил тўлмоқда. Бу ерда 1867 йилнинг декабридан буён об-ҳаво мунтазам кузатилаётган, ўтган асрнинг охирида эса бу станция Марказий Осиё минтақасидаги энг йирик метеорология марказига айланди ва ҳозир ҳам шундай.

Ўзбекистон Гидрометеорология бош бошқармасининг «Тошкент — обсерватория» станциясида ҳозир анъанавий метеорологик ўлчовлар — ҳаво ҳарорати, намлиги, босими, шамолнинг йўналиши ва тезлигини ўлчаш ва аниқлашдан ташқари ҳавонинг буғланиш даражасини аниқлаш учун ҳаводан намуналар олинди, кўёш радиацияси оқими аниқланади, атмосфералдаги электр ва ҳаводаги азот миқдори кузатилади. Бу кузатувлар об-ҳаво ва иқлимни аниқлашга, ундаги ўзгаришларни олдиндан айтиб беришга асос бўлади. Бундан ташқари, станцияда янги метеорология техникаси синиб қўрилди. Ўзбекистон Гидрометеорология станциялари тармоғи учун мутахассислар тайёрланади.

Республика бош метеорология станциясида тўпланган маълумотлар Жаҳон Метеорология ташкилотига юборилади, у ерда сайёраимизда об-ҳаво ва иқлим ўзгаришларини таҳлил этиш учун шу маълумотлардан ҳам фойдаланилади.

Метеостанция иш дастури амалий аҳамиятга эга. Бу ерда тўпланадиган ахборот ҳар кун мамлакатимиз халқ ҳужалигининг энг муҳим объектлари раҳбарларига етказиб берилади. Бундай ахборотлар қишлоқ ҳужалиғи учун, транспортнинг, аввало авиациянинг бир метёрада ишлаши учун зарур бўлади, бундан ташқари, ҳаммамиз ҳам об-ҳавонинг қандай бўлиши билан қизиқамиз.

Оксана ЗАДУНАЙСКАЯ, ЎзА мухбири.

ХАЛҚАРО ТАЛАБЛАР ДАРАЖАСИДА

«Жалолобод-Тошкент-Бишкек» халқаро автомобиль йўлининг Хонобод шаҳри яқинидаги 9 километрик қисми жаҳон андозаси талаблари даражасида тўла таъмирланди. Таъмирдан сўнг йўл деярли икки бараварга кенгайди, четларида махсус тўсиқ ва кўрсаткичлар ўрнаштирилди, атрофлари обонлаштирилди.

Бу ишларни амалга ошираётган «Андижонавтоўл» давлат ҳиссадорлик жамияти курувчилари автомагистралнинг вилоят ҳудудида жойлашган қисмида ўтган йил кўпrik қурилишини давом эттирмоқда. Қорадарё ва Андижонсой устига қуриляётган бу кўприклар келаси йилнинг биринчи ярмида фойдаланишга топширилади.

К. НИЗОМОВ, ЎзА мухбири.

«ҚЎҚОН ПОЙАБЗАЛИ» «САЛАМАНДЕР» БИЛАН БЎЙЛАШАДИ

Фарғона шаҳридаги «Ўзсаламан» қўшма корхонасининг доғруғи бугунги кунда мамлакатимиз ташқарида ҳам маълум ва машҳур. Бир мисол. Яқингача мамлакатимизга пойабзал жўнатиб турган германиялик ишбилармонлар энди «Ўзсаламан» маҳсулотига харидор бўлмоқдалар.

Янги йилдан бошлаб эса Қўқон шаҳрида ҳам шундай қўшма корхона маҳсулот ишлаб чиқара бошлади. Қўқонликлар италиялик пойабзалчи билан ҳамкорлик қилишни маъқул кўришди. Мазкур мамлакатнинг машҳур «МАЕНГРУП» фирмаси ва «Қўқон пойабзали» ҳиссадорлик жамияти ўртасида шартнома тузилди. Бу ҳужжатта мувофиқ, италияликлар 2 та юқори унумли линияни ўрнатишга ёрдам беришади.

Дастлабки йили қўшма корхонада жаҳон андозаларига мос, дунёда эътироф этилган 60 минг жуфт оёқ кийимлари ишлаб чиқариш режалаштирилмоқда.

Набижон СОБИР, «Халқ сўзи» мухбири.

СОЛИҚЧИЛАР ВА ЖУРНАЛИСТЛАР УЧРАШУВИ


Давлат солиқ қўмитаси Матбуот хизмати ҳамда «Солиқлар ва боғжона хабарлари» — «Налоговые и таможенные вести» газеталари жамоаси ташаббуси билан ўтказилган матбуот конференциясида республика газеталари-журналистлари, телевидение ва радионинг иқтисодий мавзуларда ёзувчи журналистлари иштирок этдилар. Бундай тадбир биринчи марта ўтказилганлиги учун ҳам ижодкорларда катта қизиқиш уйғотди.

Матбуот конференциясини Давлат солиқ қўмитаси раиси В. Беганов кириш сўзи билан очди. У ва Қўмита мутахассислари журналистларнинг саволларига жавоб қайтардилар.

Матбуот конференциясида асосий эътибор янги йилдан бошлаб кучга кирадиган Солиқ Кодекси қоидаларини омма онгига ва қалбига етказиш, аҳолини солиқ қонунчилигини ўзгаришлардан вақтида хабардор қилиб бориш соҳасидаги вазифаларга қаратилди.

Бундай учрашувларни мунтазам ўтказиб боришга келишиб олинди.

Ўз мухбиримиз.



БИРИДА ЯХШИ, БИРИДА АКСИ

Бу йилги чорва қишлоғига 24536 бош қорамол, 5780 бош чўчка, «Навоийқоракўл» ишлаб чиқариш бирлашмаси хўжалиқлари билан қўшиб ҳисобланганда 799571 бош қўш ва эчки, 7980 бош от, 6964 бош туя қишлоғга олиб қилинди.

Чорва қишлоғига кириш олдиндан, фермалари қишлайдиган 80 та мол-хонанинг ҳаммаси, 43 та паррандалар, 1870 та қўй-эчкилар кўрасининг 1815 таси, 12 та отчилик ва 15 та туячилик қўралари мавсумга тўлиқ ҳозирлаб қўйилган эди. Вилоят бўйича 45 та озуқа ишлаб чиқариш шехи, 51 та озуқа ошончаси ишлаб турибди. Молхона ва қўралар жорий таъмирдан чиқарилиши билан бир вақтнинг ўзида чорвалор, чўпон-чўчиқлар тўлиқ равишда қишки иссиқ кийимлар, олис йиллоғли чўпонлар зарур тиббий анжомлар, озиқ-овқатлар билан таъминланган. Вилоят бўйича 150 минг 333 тонна дағал хашак жамгарилди. Бу ўтган йилга нисбатан 50

\* ҚИШ КЕЛДИ...

Чорвалорнинг меҳнатини мол тўғидан ҳам қаттиқ дейишади. Навоий вилоятида кейинги йилларда чорвачиликдаги қоқоқликни тиклаш учун ана шундай қаттиқ меҳнат қилишга тўғри келяпти. Вилоятда ўтган ўн ойда 33.953 тонна гўшт, 92.548 литр сўт ишлаб чиқарилди. Ил охирига бориб давлатга гўшт, сўт сотиш режалари бажарилиши тайин. Паррандалардан туҳум олиш йиллик режаси 158.8 фозга адо этиб қўйилди.

минг тонна кўп демакдир. Шунингдек, 9151 тонна пенаж, 18242 тонна силос, 23601 тонна сенаж ва 141182 тонна бошқа озуқа маҳсулотлари тайёрланди. Бир шартли қорамол, эчки ва қўй ҳисобига тайёрланган озуқа бирлиги ўтган йилга нисбатан 2 баробар кўп бўлди.

Гапимизни мухтасар қилиб, «Навоийқоракўл» тизимидagi баъзи бир мулоҳазаларимизни айтмоқчимиз. Бу-хоро қоракўли деб дунёга доғруқ солган қоракўл қўйлар асосан вилоятда-

ги Қизилқум минтақасига кирувчи Қонимек, Нурота, Томди, Учқудуқ туманлари йиллоғларида боқилади. Қайси бир академик, бу қўйларни сахрола «юмалаб юрвчи олтинлар» деб атаганида, минг бора ҳақли эди. Афсуски, ана шу «юмалаб юрвчи олтинлар» кейинги икки йил ичиди тенг ярмига қаймай кетди. Раҳбарлар, мутахассислар билан гаплашсангиз, қишнинг қаҳри ўтган йиллардан қаттиқ келганлигини рўқаб қилишади. Хўш айтинг-чи, қайси йили қиш Қизилқумда энгил кечган?

Қизилқум чўлларида қоракўл қўйларнинг қаймай кетишини олдин олши, машҳур қоракўл терилари истиқболини сақлаб қолш ҳукуматимиз даражасида кўриб чиқилди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 1996 йил июнь ойида Томди, Учқудуқ туманлари қоракўлчилик истиқболни тўғрисида махсус қарор қабул қилди. Ушбу қарордан сўнг «Навоийқоракўл» тизимидagi барча

хўжалиқлар ширкатлар ва ҳиссадорлик жамоаларига айлантирилди. Натичада Томди, Учқудуқ, Қонимек, Нурота туманларида ана шундай 34 та хўжалик пайдо бўлди. Улардан 149 та қоракўлчилик фермаларида ҳаммаси бўлиб 750 минг бошдан қўй-қўзи, эчки боқилмоқда. Ана шундан 483 минтасининг қузги қочирши ишлари муваффақиятли якунланди. Эндиги вазифа — қишлоғи бетафлот ўтказиб, келгуси йили тўла мавсумда ҳар қўй ҳисобига биттадан қўзи ўстиришга қолдириш вазифаси турибди. Шунингдек, «Навоийқоракўл» тизимига қарашли айрим хўжалиқларда мулк шаклини ўзгариш соҳасида чидаб бўлмайдиган ҳолатлар содир этилмоқда. Нурота туманида «Ўзбекистон» давлат хўжалиғи бўларди. Ушбу хўжалиқ тўртта жамоа хўжалиғига кенгайтирилди. Ҳозирги пайтда ана шу жамоа хўжалиқларидан бири «Наврўз»да 1160 бош, Б. Туртиқов номидаги жамоа хўжалиғида 2544 бош қўй-қўзи боқилмоқда. Бир йил мобайнида «Наврўз» жамоа хўжалиғида 232 бош, Б. Туртиқов жамоа хўжалиғида 260 бош қўй-қўзи, эчки қайайтириб юборилган. Ажабланирлиси шундаки, ҳар иккала хўжалик ҳам биттадан раис, зоотехник, агроном, ферма мудирини, чўпонлар «экзамот қилишмоқда». Мана, сизга — ислохот! «Навоийқоракўл» бирлашмаси раҳбарлари, Нурота тумани ҳокимилиги бу аҳволга ана қанча тоқат қиларканлар?

Парда ЖУМАЕВ, Навоий вилояти.



